

Бадритдинов Ансориддин Қамариддин ўғли: “Тижорат банклари кредитлари ҳисобига лойиҳаларни молиялаштиришни такомиллаштириш”. (5A230603 – Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича).

Илмий раҳбар: и.ф.н. Зойиров Л.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари кредитлари ҳисобига лойиҳаларни молиялаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштириш бўйича назарий қарашларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш;
- инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ёритиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштиришнинг хориж тажрибаларини ўрганиш ва унинг Ўзбекистон учун амалий аҳамиятини асослаш;
- тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга танлаб олиш ва унинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш;
- тижорат банклари инвестицион кредитлари таркиби ва динамикасини тадқиқ этиш;
- инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштириш амалиётига хос бўлган тенденцияларни аниқлаш ва у бўйича муҳим илмий хулосаларни шакллантириш;
- инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштириш жараёнидаги муаммоларни аниқлаш;
- инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.